# Original in Uzbek Language

*see English translation below*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 719

2014 йил «28» август

Хизмат доирасида
фойдаланиш учун
нусха 8

**2014 йил пахта хосили йиғими мавсуми бошланиши муносабати билан Республиканинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига ҳашарчиларни кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 июлдаги 04-04/1-98-сонли ҳамда 12 августдаги 07/55-5-сонли йиғилиш баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда 2014 йил пахта хосилини йиғиб-териб олиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва бу борада белгиланган тадбирларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (Б.Шансиямов): 2014 йил пахта хосилини уюшқоқлик билан, ўз вақтида ва сифатли йиғиб териб олиш мақсадида Тошкент шаҳридан Жиззах ва Сирдарё вилоятларига борувчи ҳашарчиларни шаҳар ва туман ҳокимликларининг корхона ва ташкилот кесимларида жалб қилиш, Мирзачўл тумани қишлоқ ва маҳаллалардаги аҳолини пахта йиғим-теримига жалб этиш учун тарғибот ишларини ташкил қилиш мақсадида Тошкент шаҳридан масъулларни бириктириш рўйхатларини ишлаб чиқилсин ва тасдиқ учун киритилсин.

2. Тошкент шаҳридан Жиззах ва Сирдарё вилояти туманларига бириктирилган масъуллар, туман ҳокимликлари ва пахта йиғим-теримига жалб қилинган корхона, ташкилот ва бошқармалар раҳбарлари зиммаларига қуйидаги вазифаларни ўрнатилган тартибда амалга ошириш юклатилсин:

пахта йиғим-теримини тизимли ташкил этиш бўйича штабларни аниқ вазифасини белгилаш;

жорий йил пахта йиғим-теримига жалб этиладиган ҳашарчиларни сонидан келиб чиқиб, улар учун зарур бўладиган турар жойларни аниқлаш ва керакли шароитларни яратиш;

ҳашарчилар учун озиқ-овқатлар заҳирасини яратиш, идиш-товоқлар, зарурий ашё ва анжомлар билан таъминлаш;

## Original in Uzbek Language

*see English translation below*

пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан тартибли ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш;

пахта йиғим-теримига жалб қилинган ҳашарчиларни бириктирилган вилоят туманига етказиб бериш ва келиш учун етарли миқдорда автотранспорт воситаларини жалб қилиш;

пахта йиғим-теримига жалб қилинган ишчи-ходимларни ташкилий равишда белгиланган манзилга олиб бориш учун бир жойда тўплаш жойи дислокациясини ишлаб чиқиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиш.

3. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов) Жиззах ва Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармалари билан биргаликда пахта йиғим-теримига жалб қилинган ҳашарчиларни белгиланган манзилларига хавфсиз етиб бориш-келиш ва жойларда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

4. Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (Б.Мамажонов) Жиззах ва Сирдарё вилояти туманларига пахта йиғим-теримига жалб қилинган ҳашарчилар соғлиғини сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш учун, ўрнатилган тартибда тиббиёт ходимлари ва тез ёрдам автомашиналари билан таъминлаш чоралари кўрилсин.

5. Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов) Жиззах ва Сирдарё вилояти туманларига пахта йиғим-теримига жалб қилинган теримчиларга ёрдам кўрсатиш учун зарур техникаларни етказиб бериш чоралари кўрилсин.

6. Пахта йиғим-теримига жалб қилинган корхона, ташкилот ва бошқармалар раҳбарларига:

пахта йиғим-терими ҳашарига жалб этилган ишчи-хизматчи ходимлар ҳашарда фаоллик билан қатнашган ходимларга ўрнатилган тартибда рағбатлантириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, туман ҳокимлари:

Пахта йиғим теримини уюшқоқлик билан тартибли ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни бириктирилган бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан мунтазам мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш вазифаси топширилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари мажмуаси зиммаларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усманов

## English Translation of the Document

*see the original above*

(Coat of Arms of the Republic of Uzbekistan)
The Republic of Uzbekistan
THE RESOLUTION OF THE MAYOR OF TASHKENT CITY

№ 719 August 28, 2014

For internal use
A copy

**On the mass mobilization of cotton pickers in the Jizzakh and Syrdarya regions due to the start of the 2014 cotton harvest season**

For the purpose of implementing the activities planned during the meetings of the Cabinet of Ministers of Uzbekistan, the reference number 04-04/1-98, dated July 20, 2014 and the reference number 07/55-5 dated August 12, as well as the full implementation of all activities planned as part of a thorough preparation for the cotton harvest.

**RESOLUTION:**

1. To ensure a timely and quality cotton campaign in 2014, the Information and Analysis Group of the Tashkent city municipality (B.Shaislamov) is to mobilize cotton pickers to the Jizzakh and Syrdarya regions from the organizations of the Tashkent city and regional municipalities. For the purpose of propaganda and mobilization of the population from kishlaks (villages) and makhallyas (neighbourhood communities) of the Mirzachul region the group is to develop a list of responsible people in Tashkent and to submit it for approval.

2. The heads of organizations, management and regional municipalities mobilized for the cotton campaign as well as the responsible people attached from Tashkent to the Jizzakh and Syrdarya regions are to fulfil the following tasks:

To define the exact tasks for the staffs organizing a systematic cotton harvest;

Depending on the number of people mobilized for the cotton campaign this year, to determine the places for their accommodation and to create the necessary conditions for them;

To provide cotton pickers with foodstuffs, utensils and the necessary household items;

To agree the cotton harvest activities and swift problem solving;

To transport cotton pickers to the defined areas of the region and to ensure the necessary amount of vehicles for their return;

## English Translation of the Document

***see the original above***

To develop one location from which the mobilized cotton pickers and workers will be transported to the cotton harvest in an organized manner and to submit it for consideration to the Tashkent city municipality.

3. The Main Department of Internal Affairs of Tashkent city (M.Adylov) and the Internal Affairs departments of the Jizzakh and Syrdarya regions are to outline measures for the secure transportation of people engaged in the cotton harvest to the required places and providing on-site safety.

4. The Main Public Health Department of Tashkent city (B. Mamazhanov) is to ensure that health workers provide necessary medical assistance to cotton pickers in the Jizzakh and Syrdarya regions in accordance with the established order and to provide them with ambulance cars.

5. The Main Amenity Department (A.Karimov) is to undertake measures for the delivery of the necessary technology to assist cotton pickers in the Jizzakh and Syrdarya regions.

6. The heads of departments, organizations and businesses engaged in the cotton harvest are to consider measures to incentivize the most active workers in the cotton harvest.

7. The Deputy Mayors of Tashkent city and regional governors together with the heads of organizations, businesses and administrations are to coordinate practical work for the cotton harvest in an organized manner, to analyse and swiftly solve the existing problems.

8. To entrust the execution and monitoring of this resolution to the first Deputy Mayor of Tashkent city B. Rakhmonov and the Economic and Social Development Department of the Tashkent city municipality.

Mayor of Tashkent city (Signature) R. Usmanov

(Stamp)